Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил "25" июн да
44-6 - сон билан рўйхатга олинган
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

_______________

Ишметов Т.А.

М.Ў.

# "ТРАСТБАНК" ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

2018 йил «7» июндаги
"Трастбанк" ХАБ
акциядорларининг
умумий йиғилишининг
46-сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кенгаши Раиси _______________ Т.М. Шарипов

М.Ў.

Тошкент 2018 йил

## "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Уставига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

**1. 29-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Банкнинг устав капитали 100 250 000 000 (Бир юз миллиард икки юз эллик миллион) сўм миқдорида шакллантирилган ва қуйидаги акцияларга таксимланган:

Оддий – 100 227 000 (Бир юз миллион икки юз йигирма етти минг) дона;

Имтиёзли – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.

**2. 30-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Устав капиталини кўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 100 000 000 (Бир юз миллион) дона, жумладан:

Оддий акциялар – 100 000 000 (Бир юз миллион) дона.

**3. 105-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили 1 майдан 30 июнгача бўлган вақт оралиғида ўтказилади.

**4. 126-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:**

Банк фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва Банк Кенгашига ҳисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчи лавозими Банк Кенгаши қарорига асосан жорий этилиши мумкин.

**5. 137-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:**

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Банк Бошқаруви аъзолари Бошқарув аъзоларини сайлаш масаласида овоз беришга ҳақли эмас.

**Банк Кенгаши раиси** **Т.М. Шарипов**

**Тикилган ва рақамланган**

17 (ўн етти)

**варақдан иборат**

25 июнь **2018 йил**

**Имзо**

Devonxona
Chancellery

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
THE CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN